КАРИМОВА МАДИНА ХОЛМУРОТОВНА

# ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АҲЛОҚИЙ ҲИСЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

**Монография**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА МАДИНА ХОЛМУРОТОВНА

# ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ ҲИСЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Монография

ТОШКЕНТ – 2021

**УЎК: 336.02(575.1)**
**КБК: 65.261.4**

*Каримова Мадина Холмуротовна.* Илк ўспиринлик давридаги ўқувчиларда ахлоқий ҳисларни ривожлантиришнинг психологик механизмлари // Монография // – Т.: “Lesson Press” нашриёти 2021. – 112 б.

Монографияда илк ўспиринлик ёшида шахснинг камол топиши, ўзига хос психологик хусусиятлари, ўспирин ўқувчиларда ахлоқий қадриятларнинг ўрни ва унинг маънавий баркамоллик мезонларини белгилашдаги роли, ёшларда маънавий- ахлоқий ҳисларни ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар, ўқувчи ёшларда ахлоқий ҳисларнинг намоён бўлиш ҳолатини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилган.

Мазкур монография олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, докторантларга, профессор-ўқитувчилар, психолог мутахассисларга, педагогларга мўлжалланган.

**Муаллиф:**
**Каримова М.Х.** – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Масъул муҳаррир:**
У.А.Қосимов – психология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**
У.А.Қосимов – психология фанлари номзоди, доцент
Д.Б.Арипбаева – психология фанлари номзоди, доцент

*Ушбу монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-техникавий кенгашининг 2021-йил 29 апрель 8-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

**ISBN: 978-9943-7873-8-4**
**© “Lesson Press” нашриёти, 2021 й.**

# СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “беш муҳим ташаббус”ни жорий этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021-йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди.[1]

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш.М.Мирзиёев** « **Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз...**»[2,14б] дея ёшларга чуқур эътибор қаратадилар. Дарҳақиқат, кейинги йилларда таълим тизимига берган катта эътибор ва яратилган шарт-шароитлар келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиши учун асосий замин бўлиб хизмат қилмоқда

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг айниқса, педагогик циклдаги фанларнинг мазмунида миллий ғоя ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида миллий ва илмий дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва